## ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗ АНЖОМЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

Хужаободтуман.___6_____-сон 2022 йил "_8_" Январ

____________________________________________________________да жойлашган
*(юридик шахснинг почта манзили номи)*

____________________________________________________________(кейинги
*(юридик шахс номи)*

ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади)________________асосида харакат қилувчи ____________
*(Устав, Низом, ишончнома)*

____________________________________________________________бир томондан ва
*(вазифаси, исми шарифи)*

"Ҳудудгаз Андижон"-газ таъминоти филиали "Хужаободтумангаз" булими Низоми (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) ва 2020 йил 23.06 куни Жамият томонидан Бош директории томонидан берилган 01-19-20/3020-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи филиал раҳбари Д. Салохиддинов
*(филиал раҳбарининг исми шарифи)*

лар иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ "Бажарувчи" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 22-сонли қарори ва 2019 йил 16 мартдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган "Газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари"га ҳамда улгуржи истеъмолчилар билан "Табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш тўғрисида"ги шартнома шартларига асосан улгуржи истеъмолчи балансидан бўлган мавжуд Газ тақсимлаш қути (ГТҚ/ГРП) ларига ҳамда уларнинг газ анжомларига техник хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса кўрсатилган хизматлар учун "Бажарувчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактурага асосан хизмат ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар:____________________________________________

____________________________________________________________
*(ҳисоб-китоблар, буюртма, тасдиқланган режа-график ва хоказоларга асосан)*

### 2. КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. "Бажарувчи томонидан тасдиқланган нархномага асосан истеъмолчидаги мавжуд газ анжомларидан келиб чиқиб,бажариладиган ишлар учун "Буюртмачи"га ҳисобварақ-фактура тақдим этади.

2.2 Кўрсатилган хизматлар учун "Буюртмачи" томонидан "Ҳудудгаз Андижон" газ таъминоти филиалининг тасдиқланган "бажариладиган ишлар нархномаси (прейскурант)"га мувофиқ 2538886 икки миллион беш юз (сўз билан: уттиз саккиз минг саккиз юз олтмиш олти ) сўм,шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманингфоизини 100% миқдорида ҳақ тўлайди.

2.3. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. "Буюртмачи" томонидан ўзига тақдим қилинган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган тўловларни 5 (беш) банк куни муддатда "Бажарувчи" нинг ҳисоб рақамига олдин тўловларни ўтказиб бериши, қолган тўловларни эса тўлиқ ҳажмда бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилиб олган кунидан бошлаб 3 (уч) банк куни муддатда молиялаштириб бериши шарт.

2.5. "Бажарувчи"нинг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, "Буюртмачи" "Бажарувчи"га унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда "Бажарувчи"нинг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.6. "Буюртмачи"нинг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар бахоси "Бажарувчи"га бутунлай тўлаб берилади.

### 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. "Бажарувчи" ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилганидан сўнг "Бажаувчи" "Буюртмачи"га кўрсатилган хизматлар учун бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этади.

3.3. "Буюртмачи" кўрсатилган хизмат натижаларидан қониқмаган тақдирда далолатномани олган пайитдан бошлаб 3 (уч) кун ичида "Бажарувчи"га хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. "Буюртмачи" нинг эътирози асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйҳати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатлари кўрсатилади.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланг тақдирда, "Буюртмачи" бу ҳақда "Бажарувчи"ни хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВАНИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. "Бажарувчи" томонидан ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, "Буюртмачи"га мажбуриятлар кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб "Буюртмачи" "Бажарувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
4.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар жавобгар жойлашган жойдаги Иктисодий судда кўриб чиқилади.

### 5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар ва хизматлар ҳақи қопланган ҳолда йўл қўйилади.
5.3 "Буюртмачи" хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлик тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома "Бажарувчи"нинг айбли хатти-ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
5.4. "Бажарувчи" ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли "Буюртмачи"га етказилган ҳақиқий зарарни тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома "Буюртмачи"нинг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 (уч) кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

### 6. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

6.1. Шартнома 20____йил "______"____________дан бошлаб кучга киради ва 20______йил "______" ______________гача амал қилади.
6.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.
6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

### 7. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

7.1. мазкур шартномага "Ҳудудгаз Андижон" ГТФ томонидан тасдиқланган "Бажариладиган ишлар нархномаси (прейскурант) нусхаси илова қилинади).

Виза
ФИШ
Кенжаев
Зойиров
Рахмонов

### 8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| "БАЖАРУВЧИ" | "БУЮРТМАЧИ" |
|---|---|
| **"Ҳудудгаз Андижон" ГТФнинг "Хужаободтумангаз" ГТБ** | ______________________ (корхона номи) |
| Юридик манзил:Уш куча 4-уй | Юридик манзил: ______________ |
| Ҳисоб рақами:20210000105276727051 | Ҳисоб рақами: ______________ |
| МФО:00075 СТИР:207325558 | Банк коди: ______________ |
| Боғланиш учун телефон рақами: 74 741 15 99 | СТИР: ______________ |
| | Боғланиш учун телефон рақами: ______________ |
| Филиал бошлиғининг исми шарифи ва имзоси: А.Саитов | Корхона раҳбарининг исми шарифи ва имзоси: ______________ |
| М.Ў. | М.Ў. |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «HUDUDGAZTA'MINOT» AKSIYADORLIK JAMIYATI «ANDIJON» GAZ TA'MINOTI FILIALI «XO'JAOBODTUMANGAZ» GAZ TA'MINOTI BO'LIMI HGT

OCHIQ NEFT VA GAZ FAVVORALARINING OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISH BO'YICHA O'ZBEKISTON HARBIYLASHTIRILGAN QISMI ...0381865001 ...OB, STIR: 200698487 OKED: 84220

II Газ жихозлар

| № | ИП автоматсиз газ ёнгичлар | Улчов бирлиги | микдори | Жорий созлаш | | Техник тафтиш | | Жами бахоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 марта кўрсатилган хизмат | 3 марталик Жами бахоси | 1 марта кўрсатилган хизмат | Жами бахоси | |
| 1 | ПГ-3,ПГ-4,ПГ-6 | Дона | 1 | 17219 | 51657 | 22278 | 22278 | 73935 |
| 2 | | Дона | | | | | | |
| 3 | ИП-автоматли | Дона | 2 | 26403 | 158418 | 21453 | 42906 | 201324 |
| 4 | ИП-автоматсиз | Дона | | | | | | |
| 5 | Сув иситгич | Дона | 1 | 28878 | | 45380 | | |
| 6 | АВГ-80 ИК | Дона | 1 | 37542 | 112626 | 49506 | 49506 | 162132 |
| 7 | Ошхона газ плитаси | Дона | | | | | | |
| 8 | ГТК | Дона | | | | | | |
| 9 | Юкори босим | Дона | | | | | | |
| 10 | Урта босим | Дона | 1 | 98540 | 295620 | 570496 | 570496 | 866116 |
| 11 | Зулфин | Дона | | | | | | |
| 12 | Газ кувури | Метр | | | | | | |
| 13 | Кран Д-25 мм | Дона | 12 | 33711 | 1213596 | | | 1213596 |
| 14 | Газ жихоз улаб ёкиш | Дона | 1 | 24894 | | | | |
| 15 | Газ тармогига улаб ёкиш | Дона | | | | | | |
| 16 | Босим билан синаш | Дона | 1 | 7261 | 21783 | | | 21783 |
| 17 | ГКС 2,5 | Дона | | | | | | |
| 18 | Чой бак | Дона | | | | | | |
| 19 | МҚ | Дона | 4 | 11964 | 143568 | 13202 | 52808 | |
| 20 | Буг козони | Дона | | | | | | |
| | Ж А М И | | | | | | | **2538886** |

III.Томонларнинг хуқуқий манзилгохлари ва имзолари

"БАЖАРУВЧИ
"Худудгаз"АЖ,"Худудгаз Андижон" газ таъминоти филиали

Банк: АТБ УзСКБ Минтақавий филиали
х/р: 20210000105276727051
МФО: 00075 ИНН: 207325558
Бошлик: А.Саитов
Имзо

"ИСТЕЪМОЛЧИ"

Манзил:
Банк:
х/р:
МФО:
ИНН:
Бошлик:
Имзо: